

201 V nomidagi
A O'zbekiston MK

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVRASIDA

№ 48 (394)
2019 - yil
21 noyabr
payshanba

www.od-press.uz


Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

БЮДЖЕТ – 2020

ЎҒРИЛИКЛАР камаядими?

4-5-бетлар



БОЛАЛАР БОҒЧАСИ



МАКТАБ



ХУСУСИЙ ТУҒРУҚХОНАга рухсат берилди

7-бет



Энди ИШОНЧНОМА шарт эмас

2-бет



КЎЧАДА ҚОЛАЁТГАН хаста АЁЛ

3-бет

Кераксиз ишга 480 МИЛЛИОН!

5-бет



ИСРОФ ВА ГУНОҲ БОТҚОҒИ

6-бет



«Оила даврасида» газетасига

2020 йил ОБУНА учун

Обуна индекси — 193

УЙИНСИЗГА БОРИБ
ОБУНА ҚИЛАМИЗ!
Тел: 93 193-93-99
71 233-70-70.

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз,
мулоҳазангиз, муносабатингиз билан
чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!



бошланди!

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Тел: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

Шавкат МИРЗИЁЕВ: ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ АСРЛАР ДАВОМИДА ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказига яна бир бор ташриф буюрди, дея хабар берди ЎЗА.

Давлатимиз раҳбари асос солган ушбу муассаса халқимизнинг бой ўтмишини, илм-маърифат ривожига қўшган катта хиссасини намойиш этадиган яхлит мажмуа бўлади.

– Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг юртимиздагидек бой ўтмиш, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга еткази билишимиз керак. Бу марказга келган одам улкан меросимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур, – деган эди Шавкат Мирзиёев бу ерга аввалги ташрифидан биринчи.

Марказ қурилиши ва фаолияти йўлга қўйилишида ана шу мақсад асосий мезон этиб белгиланди. Қарийб икки гектар майдонда уч қаватли кўркам иморат қад кўтарди. Бинонинг симметрик марказида бежирим шарқона гумбаз, тўрт томонида 34 метрлик пештоқлар қурилди.

Мазмунан олганда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган илмий-тарихий концепция ишлаб чиқилди.

Биринчи қаватда музей омбори, қадимий қўлёзма ва асори-атиқаларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш хоналари, нашриёт ва китоб дўконлари жойлашади.

Иккинчи қаватдаги улкан фойе марказига Усмон Қуръони жойлаштирилади. Шунингдек, бу ерда Ислому санъати музейи, 435 кишига мўлжалланган конференция зали бўлади. Кўргазмаларда Ўзбекистон тарихи даврлар бўйича, ҳар бир аср, ҳар бир алломага оид манбалар ва ашёлар асосида намойиш этилади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР ИШОНЧНОМАСИЗ АВТОМАШИНА БОШҚАРИШИ МУМКИН

Нотариат тизими таъминлаштирилганлиги муносабати билан Ҳукуматнинг бир қатор қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, яқин қариндошларга тегишли транспорт воситасини ишончномасиз бошқариш тартиби белгиланди.

Унга кўра, транспорт воситаси эгасининг суғурта полисида кўрсатилган яқин қариндошлари транспорт воситасини нотариал тасдиқланган ишончномасиз бошқаришига рухсат берилди.

Агар транспорт воситаси эгасининг суғурта полисида яқин қариндошлар кўрсатилган бўлса, унда улар транспорт воситасини нотариал тасдиқланган ишончномасиз бошқаришига рухсат берилди.

Ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиевнинг Телеграм каналида ушбу янгилик юзасидан қисқа жавоб берилди:

Яқин қариндошлар қимлар?

– Ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар.

Суғурта полисига яқин қариндошларни қандай қўшиш мумкин?

– Транспорт воситаси эгаси суғурта компа-

Учинчи қаватдан эса 100 минггача қўлёзмалар фондига эга кутубхона, ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва маъмурий хоналар ўрин олади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ислому цивилизацияси маркази шу йўналишдаги илмий муассасалар учун фундаментал база бўлади.

Бу ерда маҳаллий ва хориқлик мутахассислар илмий тадқиқотлар олиб боради, уларнинг натижалари асосида қомуслар, илмий-оммабоп тўпламлар, телекўрсатув, фильм ва бошқа материаллар тайёрланади.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчи ва талабалари ушбу масканга келиб, билимини мустаҳкамлайди.

– Бу марказ асрлар давомида халқимизга хизмат қилади, унинг ҳар бир нақши тарихга муҳрланади. Шунинг учун марказнинг беағи, маъно-мазмунли исломий ва илмий жиҳатдан асосланган, чуқур ўйланган бўлиши керак. Одамлар ҳам ўқиб, илм оладиган, ҳам юракдан хис қиладиган муҳит яратиш зарур, – деди давлатимиз раҳбари. Бутун дунёдан диний уламолар, исломшунос ва тарихчи олимлар иштирокида халқаро анжуман ташкил этиб, фикрларини ўрганиш, тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ниларидан янги шаклдаги суғурта полисида қариндошлик даражасини кўрсатишни талаб қилади.

Қандай ҳужжатлар керак?

– Суғурта компаниялари шунчаки суғурта полисига яқин қариндошларни ёзиб қўявермайди. Бунинг учун яқин қариндошликни тасдиқловчи



ҳужжатларни тақдим этиш керак. Масалан, эр-хотин учун никоҳ гувоҳномаси, ота-она, ака-укалар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва ҳ.к.

Суғуртада номи бўлса, яқин қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатни ўзи билан олиб юриши шартми?

– Йўқ, шарт эмас. ДИХХХ органлари суғурта полисига кўрсатилган яқин қариндошлардан ишончнома ёки қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилмайди.

Банк

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ БЕКОР ҚИЛИНАДИМИ?

2021 йил 1 январдан, зарур ҳолларда, фойз харажатларининг маълум бир қисmini компенсация қилиш механизмларини жорий этиш орқали тижорат банкларида фойз ставкаларини мустақил белгилаш ҳуқуқини берган ҳолда кредитларни имтиёзли фойз ставкаларида бериш амалиёти бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Инфляция таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонни имзолаган эди.

Фармонда белгиланишича, 2020 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари томонидан (миллий валютада) янгидан бериладиган барча турдаги кредитлар, шу жумладан, давлат дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича фойз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган даражада белгиланади, ипотекани кредитлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда пахта хошмәси ва бошқок дон экинларини етиштириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ажратиладиган кредитлар бундан мустасно.

Биласизми?

ЭСДАЛИК ТАНГАЛАР ЯНГИ НАРХДА

Марказий банк эсдалиқ тангаларнинг 2019 йил 20 ноябрдан амалда бўладиган нархларини белгилади.

Унга кўра:

- 1 та олтин танга нархи — 14 300 000 сўм;

- 1 та кумуш танга нархи — 325 000 сўмни ташкил этди.

Эсдалиқ тангаларнинг ҳар бирини оғирлиги 31,1 граммдан иборат. Металлар пробаси 999,9 га тенг.

Бағрикенглик

ҚАНЧА КИШИ ФУҚАРОЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ?

Президент Шавкат Мирзиёев йил бошидан буён жами 5441 кишини Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги 25 та фармонни имзолади, дея хабар берди ЎЗА.

1991 йилдан 2007 йилга қадар республикада жами 482 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинган. 2007 йилдан 2016 йилнинг декабрь ойига қадар Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинмаган.

2016 йилнинг декабрида Шавкат Мирзиёев 179 кишига фуқароликни бериш тўғрисидаги биринчи фармонни имзолади.

2017 йилда 10 та фармон билан 1064 нафар шахс, 2018 йилда 15 та фармон билан 2759 нафар шахс фуқароликка қабул қилинди.

Уч йил ичида жами 51 та фармон билан 9443 шахс фуқароликка қабул қилинди.

САЙЛОВ — 2019

- ♦ Вақтинча яшаш жойи бўйича ҳам сайловда иштирок этиш мумкинми?
– Ҳа, мумкин. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини 18 ёшга тўлган фуқаролар доимий ёки вақтинча яшаш жойларидаги сайлов участкасида овоз бериши мумкин.
- ♦ Қасаллиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз беришга кела олмаган сайловчилар нима қилади?
– Тегишли комиссиянинг камида 2 нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига боради.
- ♦ Қимлар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас?
– суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган;
– оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар.

ИККИ ФАРЗАНДИ БИЛАН КЎЧАДА ҚОЛАЁТГАН ХАСТА АЁЛ

Пропискасииз уй олди, яшади ва... энди икки боласи билан кўчага ҳайдалаяпти, суднинг наздида эса ҳаммаси қонуний...

«**Хоразмлик Дилфуза Хўжаева Даврон Ситназаров билан танишганида навниҳолгина қиз эди. Йигитнинг «Пойтахтда яшаб, энг бахтли оила соҳиблари бўламыз», деган гапларига ийиб, унга турмушга чиқди.**

Улар ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳрида бирга яшашди, фарзандлар кўришди. Ижарама-ижара юришдан безган эр-хотин ўзларига уй сотиб олишга қарор қилишди. Тийинма-тийин йиққан пулини ўртага қўйишди, бемалол икки хонали квартира сотиб олишга етиб ортади, лекин...

Уларнинг иқовининг ҳам Тошкент шаҳрида пропискаси йўқ эди. Бу муаммо ҳам бормиди ҳали. Ўзинг ишлаб топган ҳалол пулингга ўзингга қонуний қилиб уй ололмасанг. Минг афсус, қонун қонунда, уни четлаб ўтишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ана шундай пайтда Дилфуза айримлардан эшитган «доно» маслаҳатни эрига айтди:

– Жиянингиз Азизбекнинг пропискаси бор, квартирани шунинг номига расмийлаштириб олсак бўлади-ку!..

Ана, холос! Тўппа-тўғри йўлдан юришга қонуннинг ўзи йўл қўймагандан кейин ҳамма ҳам мана шундай айланма йўллари қидира бошлайди-да. Хотинидан бундай «доно» фикр чиққанидан хурсанд бўлиб кетган Даврон Ситназаров дарҳол жияни Азизбек Қаландаровни излаб топди. Ушанда жиян олий ўқув юртининг 2-курс талабаси, лекин унинг Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бор эди.

Шундай қилиб эр-хотин Юнусобод тумани 7-мавзе, 5-уйнинг 2-хонадонини таниши Дилбар Ибрагимовадан сотиб олишди.

Йиллар кетидан йиллар кечди, оилада бир-бирдан ширин фарзандлар дунёга келди. Аммо Даврон арзимас важдарни баҳона қилиб, 2015 йилда оиласини ташлаб кетди. Уч нафар фарзанд билан қолган Дилфуза эрининг инсофи кириб, қайтиб келишидан умидини узмади. Бирок умидлар тобора саробга айланиб борарди. Даврон таниш-билишларини ишга солиб, хотинининг иштирокисиз никоҳни бекор қилдириб, бошқа бир аёлга уйланиб олишга муваффақ бўлади.

Камбағални туянинг устидан ҳам ит копади, деганларидай, Дилфуза Хўжаевани такдир ҳам сийламади. 2017 йилда тўнғич фарзанди Ф.Пўлатова автоҳалокат туфайли оламдан ўтади. Ғам-ғуссага ботган аёлнинг саломатлиги ёмонлаша бошлайди. Текширувлар натижаси янада аянчли: унда онкологик касаллик аниқланади. Дилфуза ноилоҳ кимётерапия олиб даволана бошлайди.

Вақтдан унумли фойдаланган собиқ эр жиянининг олдига бориб, фарзандларимни пропискага қўйдирмоқчиман, дея ёлғон гапириб, ундан ишонч хати олишга муваффақ бўлади.

Болалари билан яшаб келаётган уйни Д.Ситназаров на Азизбекка, на собиқ хотинига билдирмасдан бошқа бировга сотиб юборади.

Энг катта муаммо ана шундан бошланади. Дилфуза судма-суд, эшикма-эшик юришдан чарчади. Афсуски, Дилфузанинг қалб жароҳати муолажаси ҳамон муаммолигича қолмоқда.

– Собиқ эрим икки нафар фарзандим билан мени уйдан чиқариш учун турли маккорликларни қилиб келмоқда, – дейди кўз ёш билан Д.Хўжаева. – У биз яшаётган жойни сотиб юборган ва сотиб олган З.Атаханованинг ишончли вакили сифатида бизни бу уйдан чиқариш бўйича тегишли маҳкамаларга мурожаат қилиб юрибди. Ахир бу уйда мендан ташқари унинг икки нафар фарзанди ҳам яшайди-ку!

Бу гаплар шунчаки эхтиросларга тўла, хаяжонли. Суд эса...



Ҳуқуқ-тартибот идоралари масъуллари, хусусан, Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди эса аниқ фактларни айланиб ўтишни маъқул кўрган чоғи.

Гап шундаки, Д.Ситназаров собиқ турмуш ўртоғи ва икки нафар боласи яшаб турган А.Қаландаровнинг номида бўлган квартирани сотиб юборгач, унинг бу хатти-харакатларида фибригарлик аломатлари бор деган иддао билан Д.Хўжаева тегишли идораларга шикоят хати тақдим қилади. Жумладан, Юнусобод тумани Ички ишлар идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи подполковник Э.Хайруллаевга ёзган аризаси юзасидан профилактика нозир ишга алоқадор гувоҳлар билан учрашиб, тушунтириш хатлари олади. Энг асосийси, Азизбек Қаландаров ўзининг номига расмийлаштирилган жой учун ҳеч қандай пул тўламагани, бу жой ҳақиқатан ҳам Д.Хўжаева ва Д.Ситназаровларнинг шахсий маблағига олингани ҳақида тўрт энлик қоралама ҳам ёзиб беради. Шунингдек, жойни сотишда маклерлик қилган Д.Савиних ва олдинги мулкдор Д.Ибрагимовалар ҳам ўша пайти пулни Дилфуза келтириб берганини ёзма равишда тақдим қилишади. Афсуски, на профилактика нозир, на суд ҳакамлари гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдиқланган турган кундай ҳақиқатга тик қарашни исташмайди. Қисқаси, суд даъвогар З.Атаханованинг ишончли вакилига айланиб олган собиқ эр Д.Ситназаров фойдасига – Дилфуза Хўжаева ва унинг икки нафар фарзандини уйдан қўчириш ҳақида ажрим қабул қилади.

Д.Хўжаеванинг адвокати Ф.Қодиров Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судидан гувоҳ А.Қаландаровни чакиртиришни бир неча мартабала сўраса ҳам кейинги суд инстанцияларига негадир у чакиртирилмаган.

Хуллас, суд Д.Хўжаевани икки фарзанди билан яшаб турган уйдан мажбурий тарзда чиқариш тўғрисида ажрим қилган. Маклер Д.Савиних ва олдинги мулкдор Д.Ибрагимова ва собиқ талаба А.Қаландаров ва унинг ота-онасининг гувоҳлик кўрсатмалари эса аҳамиятсиз қолиб келмоқда.

Кизиғи шундаки, Д.Ситназаров нима учун квартирани сотиб олган шахс З.Атаханованинг ишончли вакилига

айланиб олди? Уйда яшаётганлар (ўзининг икки нафар норасида фарзанди ва собиқ хотини)ни кўчага чиқариб юбориш билан нега шахсан ўзи шуғулланиб, судма-суд югуриб юрибди. Унга нима кўйдию, нима пишди, барибир эмасми, ахир у мулкни сотиб юборган бўлса?! Яна бир савол: нима учун уйни сотиб олган З.Атаханованинг ўзи судга мурожаат қилмаяпти? Нима, унда мурожаат қилишга савод йўқми?

Қвартира номига расмийлаштирилганига бир неча йил бўляпти-ю Зинаида Атаханова сотиб олган уйига бир марта бўлса ҳам келиб, Дилфузага «Қачон уйни бўшатайсизлар?» ҳам демаган. Оз эмас, 280 миллион сўмни бериб қўйган киши шунчалик бемалолхўжа бўлиб юриши ажабланарли эмасми? Бу ҳаммаси Даврон Ситназаров уюштираётган «спектакл» эмасмикан деган ҳаёлга боради киши. Чунки унинг Зинаида Атаханованинг ишончли вакилига айланиб, собиқ оила аъзоларини кўчага чиқариб юбориш учун жон қойитиб юришини кўрган одам албатта шундай фикрга келиши табиий.

Гапнинг пўскаллеси шуки, Тошкентда ўз пешона тери эвазига квартира сотиб олганини бир талай одам тасдиқлаб гувоҳлик кўрсатмалари бериб турган бўлса-да, бу кўрсатмаларни инobatга олиш-олмаслик ҳар бир судьянинг виждонига ҳавола. Бирок бугун инсон ҳуқуқлари, айниқса хотин-қизлар, болалар масаласида бағрикенглигини бутун дунёга намойиш этаётган Ўзбекистонда судья қароридан ҳам устун куч мавжуд.

Бу – ҳалқ, жамоатчилик фикри. Айниқса бу муаммога, қонунни четлаб ўтишга, ўзининг пулига сотиб олаётган мулкни бошқа бировнинг номига расмийлаштиришга қонуношуносларнинг ўзлари мажбур қилган бўлса...

Ўйлаймизки, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – омулдасман вакиллари бу масала бўйича ўз муносабатларини билдиришади. Бир аёлнинг, икки нафар бегуноҳ боланинг ўзларининг ҳақи бўлган уйдан кўчага ҳайдаб чиқарилишига йўл қўйишмайди, деб умид қиламиз. Акс ҳолда бу парокандалик жанжир каби жамяятда яна қанча муаммоларни ҳосил қилиши ҳеч гап эмас.


Одил НЕЪМАТ

ЭР ВА ХОТИННИНГ УМУМИЙ МУЛКИ

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонуни ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, талбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (مودдий ёрдам суммаси, матиб бўлиши ёки саломатлигига бошқача зарар етказиши оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) қиради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қозғалар, пайлар, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган қанитдалгани улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари қимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан қиритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасидан)



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА

Бу ҳақида ошкора маълумот бермаслик қинғирликларни яширишга



«Сир эмас, одамлар орасида «Бюджетнинг пуллари қайёққа кетяпти?» – деган надоматлар юради. Идораларга бу савол берилса, улар: «Молия вазирлигидан пул олиш қийинлигини рўқач қилишади. Эндиликда мана шундай тартиб ўзгармоқда. Қайси соҳага қанча маблағ ажратилгани, соҳагагина эмас, қайси идорага қанча берилиши ва нимага сарфланиши ошкор қилинмоқда ва бунини жамоат назорати ўрнатилган даъват қилинмоқда. Хўш, бу янгилик қанчалик даражада ўзини оқлайди?»

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни макроиктисодий кўрсаткичлар, солиқ-бюджет сиёсати, давлат бюджетининг жорий йилда қўйилган ижроси ва 2020 йилга мўлжалланган параметрлар муҳокамасига бағишланган йнгиликда ўтказди. 1 ноябрь куни эса Молия вазирлиги «Фуқаролар учун Давлат бюджети – 2020» деган ҳужжатни халқ ҳуқуқига ҳавола этди.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, 2018 йил 22 август куни Президентнинг «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокчини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унга мувофиқ, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатилишининг янги тартиби белгиланган эди. 2020 йилдан бошлаб давлат бюджети кўнун шаклида қабул қилинади ва халқ вакиллари томонидан назоратга олинади. Парламентга тақдим этиладиган Бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасида ва Бюджетномада аҳоли ва ташқи ҳамкорларимизга мамлакат бюджетининг ҳолати очиқ-ойдин, халқаро стандартларга мувофиқ тарзда кўрсатилиши керак.

Республика бюджети борасидаги норматив ҳужжатлар Олий Мажлис томонидан, маҳаллий бюджетлар эса жойлардаги халқ депутатлари кенгашлари томонидан қабул қилиниши шарт. Қолаверса, харажатлар соҳалар бўйича эмас, вазирлик ва идоралар кесимида тасдиқланиши лозим.

Жамоатчилик журъати етади ми?

Албатта бунини вақт кўрсатади. Жорий этилаётган янги тизимнинг ўзига ҳос жиҳати – марказлашган бюджет сиёсатидан босқичма-босқич воз кечиш. Масалан, маҳаллий бюджетлар даромадини мустақамлаш мақсадида автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш йиғимлари маҳаллий бюджетга ўтказилмоқда. Алкоголь маҳсулотлари ва мобил алоқа хизматини кўрсатиш учун акциз солиғи тушумлари аҳоли сонидан келиб чиқиб ҳудудлар ўрта-

сида қайта тақсимланади. Қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахслардан олинган фойда солиғи бўйича прогноздан орттириб бажарилган қисми тўлиқ ҳудудларда қолдирилади. Кейинги йилдан бошлаб маҳаллий бюджетларнинг кўшимча даромадлари ҳокимлар томонидан эмас, маҳаллий кенгашлар томонидан маъқулланган йўналишларга ажратилади. Фақат кечиктириб бўлмайдиган харажатларгина ҳокимликлар томонидан тасдиқланиши ва кейинчалик уларнинг тўғри сарфлангани ҳақида кенгашлар олдидан ҳисобот берилиши лозим.

«Иқтисодиёт тармоқларини «оёққа турғазини», рақобатбардош қилиш учун кейинги икки йилда уларга барча имкониятлар берилди. Бироқ, бу имкониятлардан фойдаланиб, қайси тармоқ меҳнат унумдорлигини оширди, маҳсулотлар рақобатбардош бўлиши ва экспорт таркибиде тайёр маҳсулотлар улуши кўпайишини таъминлай олди? Афсуски, бирорта тармоқни бугунги кунда «зўр ишлади ёки юқори натижа берди», деб айта олмаимиз».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Иқтисодиёт тармоқларидаги тизимли муаммолар, инфляция даражасининг 16 фойздан пасаймагани аҳоли тўлов қобилиятига салбий таъсир этмоқда. Вақт-вақти билан ошаётган маошларни пулнинг қадрсизланиши ортиғи билан ютиб юбормоқда. Шундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак?

Эсалымиз – Англияда қончилар олти йил тинимсиз намоёиш қилганига қарамадан «Тетчер хоним» – Бош вазир Маргарет Тетчер маошини 5 фунтга ҳам оширишга рози бўлмаган. Унинг фикрича, оширилган маош харажатлари яна маҳсулотга юкланади ва кечаги пулга бугун кечагича нарсасотиб олиб бўлмай қолади... Ҳа, иқтисодиёт хали ҳам ўша азалий қондаларга кўра ривожланади. Маош оширишдан кўра, маҳсулотлар таннархини тушириш керак ва коррупцияни йўқотиш лозим.

Ўзбекистон экспортининг 60 фойздан юқорисини, қатта қисмини ханузгача газ, олтин, кумуш, мис, рух, полиэтилен, калава ип каби хомашё ташкил этаётгани ачинарлидир. Мисол учун, давлат раҳбари бир мажлисда мамлакатда чарм-поябзал экспорти бўйича қанда 1,5 миллиард долларлик экспорт салоҳияти борлигини таъкидлади, лекин ҳозирда бу борадаги кўрсаткич 200 миллион долларга ҳам етмайди. «Ўзчармасаноат» уюшмасига терини чуқур қайта ишлаб, аёллар пойабзаллари ва сумкалари, спорт анжомлари ва бошқа тайёр чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали экспорт ҳамининг 2 баробар ошириш вазифаси қўйилди. Лекин, ёдимизда бу уюшма четдан қирадиган пойабзалга давлат божини ошириш таклифи билан чиқди – демак

унинг маҳсулотлари хорижий билан рақобат қила олмайди ва у маҳсулотларини четга эмас, ўзи истаган юқори нархда халқимизга сотмоқчи.

Тўқимачилик саноати маҳсулотлари икки баробарга ошгани айтилди, аммо 1 миллиард 600 миллион долларлик экспортнинг ярмини ип-калава экспорти ташкил этмоқда.

Яна бир таҳлил: дунёда мева-сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозори 205 миллиард долларни ташкил этади. Ўзбекистоннинг бу бозордаги улуши эса бир фойзага ҳам етмайди.

«Фуқаролар учун бюджет – 2020»

Эълон қилинган ҳужжат деярли ҳар йилгидек. Келгуси йили ижтимоий соҳалар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажми ортиши кўзда тутилган. Масалан, соғлиқни сақлаш тизимига йўналтириладиган харажатлар жорий йилдагига нисбатан 18 фойза, таълим соҳасига – 10 фойза ва илм-фан ривожига – 47 фойза кўпаяди...

Бюджет харажатлари 131 триллион 104,5 миллиард сўм бўлиши тахмин қилинмоқда, бу эса 2019 йилга нисбатан 22,4 фойза юқори демекдир. Аммо инфляциянинг даражасини ҳисобга олсак, бу асло ўсиш эмаслиги ойдинлашади.

Статистиканинг сир-синаотларини оддий фуқаро билиши мушкул. Пулга чақилган кўрсаткичлар аниқ тасаввур бермайди. Дейлик, миллион тонна гўшт ишлаб чиқарсак ва ўтган йил 40 минг сўмдан 40 миллиард сўм бўлса, бу йил ҳам шунча ишлаб чиқарсак ва бу бугунги нархларда 60 минг сўмдан 60 миллиард сўм бўлса, гўшт саноати ишлаб чиқариш ҳажми 50 фойза ошди, десак бўладими?! Пулга чаққанда ошган, аммо миқдорда бир килога ҳам ошмаган-ку! Қолаверса, ҳар йили аҳоли сони 300-400 минг кишига кўпайиши ҳисобига киши бошига янада камайган бўлиб чиқади.

Инфляциянинг йиллик ўсиши 16 фойзага ошгани айтилганига таянсақ, таълим соҳасига ажратилган харажатнинг 2020 йилда 10 фойзага ошганлиги аслида харид қувватининг ошмаганлигини, 6 фойзага камайганлигини билдиради.

Ялпи маҳсулотларнинг табиий миқдорини ёки халқаро валюта бирликларида аҳоли жон бошига тақсимланиши ҳолисроқ манзарани касб этган бўларди.

Аёнки, аҳоли сони ошади, нарх ошади, маош ошади, инфляция ошади, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ошишига улгурмайди, маош нархнинг ортидан улгурмайди – бу бугунги ҳолатимиздаги айна ҳақиқат. Шунинг учун Шавкат Мирзиёев инфляцияни бугунги 16 фойздан яқин уч йил

ШАФФОФ БЮДЖЕТ



ичида 9,5 фойзага тушириш вазифасини қўйди. Марказий банк раиси муовини инфляциянинг юқорилиги умуман илҳотларнинг келажagini хавф остига қўйишини айтганида ҳақдир.

Келгуси йил учун бюджетда инфляциянинг 12,5-13 фойза атрофида бўлиши режалаштирилмоқда. Режаларга иқтисодий вазият қандай қилиши аниқ эмас. Масалан, ёдимизда, 2018 йилда Ўзбекистон иқтисоди 5,2 фойза ўсгани ҳолда, инфляция – 17,5 фойза ошган эди.

Мўътадил иқтисодда инвестициялар фойдали соҳага йўналтирилиб, олинган фойдадан қарз қайтарилиши керак. Бунинг учун инвестициялар «нақадар буюқлигимизни» дунёга кўз-кўз қиладиган соҳаларга эмас, халққа фойдаси тегадиган ва ўзи ҳам фойда келадиган соҳаларга, инфратузилмавий тармоқларга йўналтирилиши керак.

Ўзбекистоннинг ташқи қарзи 2020 йил бошида \$ 21,3 млрд. (ЯИМнинг 36 фойзи) бўлиши, улардан давлатнинг ташқи қарзи \$ 15,3 млрд. (ЯИМнинг 25,4 фойзи) бўлиши белгиланди. Бизга қарз беришда кўп йиллардан бери Хитой ва Япония етакчидир. Банклардан энг кўп қарз бераётгани Осиё тараққиёт банки – 3,929 млрд. доллар ёки ташқи банклардан олинган қарзнинг 51 фойзи. Албатта, қарз юки мамлакатдаги етишмовчиликларни тузатиб оёққа туриб олиш ва ишлаб, сармоядорга қайтарилиши учун олинади, еб юбориш учун эмас. Қарзлар даражаси макроиктисодий барқарорликни хавфсиз даражада сақлайдиган ҳолда ушланиши, улар ўз вақтида қайтарилиши, хавотирли бартарф этилиши, муҳими, фойдаси аниқ соҳаларга ишлатилиши шарт.

Ўзлаштиришнинг «ўзбекча» усули

Бюджет қабул қилинади. Ҳамма гап унинг ҳалол ижросида қолади. Давлат ва жамият тизимининг айрим қисмларида хали ҳамон монополизм, порахўрлик, коррупция, таниш-билишчилик, кўзбўямачилик ҳолатлари қузатилаётганидан кўз юма олмаймиз. Афсуски, бюджетнинг жамланиши ва сарфланишида ҳам ана шу муҳит четда эмас-да.

ЎЙЛАР

фақат хизмат қилади



Кеча ва бугунги айрим хабарлардан биргина шингил: Самарқанд вилоят ҳокимияти бир қарори билан 2018 йилда ҳаритада умуман бўлмаган уйни бузишга компенсация тариқасида 836 миллион сўмни Давлат бюджетидан ажратиш олган. Яъни уйлари бузилган инсонлар товон пули ололмади овера бўлган, давлатимиздан нолиб турган, давлат бошқа жабҳалардан тежаб ажратган пул ўзлаштириб юборилган...

Яна бир хабар: «Жамоат ишлари жамғармаси тизимида ноқонуний харажатлар аниқланди... Молия вазирлиги мониторингинг вақтинча ишсиз аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш билан шуғулланувчи Жамоат ишлари жамғармаси тизимида 4,7 млрд сўмлик ноқонуний сарф-харажатларни аниқлади». Гап нимада? Ишсиз, мардикорчилик қилиб юрганларга кўча сулуририш, ободонлаштириш сингари ишларни таклиф этиб, уларга маош бериш учун жамғарма тузилди, бюджетдан – яъни халқнинг пулидан миллиардлар ажратилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида жамоат ишларига 284 минг нафар фуқаро жалб этилган деб ҳужжатлаштирилган ва гуё уларга жамғарма ҳисобидан 189,4 млрд сўм иш ҳақи тўлаб берилган. Танлаб текширилганининг ўзидаёқ ўнлаб суистеъмолликлар аниқланган. Мисол учун, Андижон шаҳар Аҳоли бандликка кўмаклашиш маркази бош ҳисобчиси «Элга хизмат кўмакдош» МЧЖ раҳбари билан келишган ҳолда жамоат ишларини бажарганлик тўғрисида ҳеч қандай ҳужжатларсиз 362,8 млн. сўм маблағни МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб берган. Балқич тумани Аҳоли бандликка кўмаклашиш маркази бош инспектори тумандаги 8 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари билан келишган ҳолда 44 нафар фуқаро билан тузилган сохта меҳнат шартномалари ва жамоат ишлари бажарилганлиги тўғрисида ҳисобот маълумотларни асосида 52,4 млн. сўм ўзлаштирилган, яъни ўша фуқаролар иш бажармаган ҳам ва бу пуллари кўрмаган ҳам...

Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунинг учун ҳам давлат раҳбари бюджет маблағларини сарфлаш устидан қатъий молиявий-бюджет интизомини ўрнатиш лозимлигини таъкидламоқда, чунки у салгина киприкни силкитиб, бир лаҳза кўзини бошқа ёққа олсанг, ўпириб кетишларини билади.

Давлат бюджетининг даромад қисмини тўлдириш осон эмас. Молиячилар одамлардан пул чиқариб олишининг янги ва янги кўп усулларини топади, солиқчилар тadbirkorларнинг тепасида туради ва пул йиғилади, шубҳасиз.

**Кўп триллионлардан
иборат ана шу
бюджетнинг сарфланиши
устидан давлат назорати
билан бирга жамоат
назоратини ўрнатиш
механизми таклиф
қилинмоқда ва уни
амалга ошириш керак.**

Асосий мезон шундай бўлиши керак – иқтисодга йўналтирилган бюджетнинг

хар сўми фойда келтириши, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағ мактабларга, беморларга ва муҳтожларга етиб бориши керак. Ишонамизки, агар давлат бюджетининг харажат қисми ёзилгани каби ҳалол сарфланса, ўғирланмаса, юртда фаровонлик уч-тўрт баробар юксалган бўларди.

Ҳамма соҳада монополия тугатилиши, банклар бозор шароитида ишлаши ва маъмурий аралашувлардан холи бўлиши керак, ўз пулини ўзи топиши, халқ ишончини қозониб жалб қилиши керак. Охириги йилларнинг ўзида давлат бюджетидан тижорат банкларига дастурларни молиялаштириш учун 8,4 триллион сўм ажратилган, айланма маблағларни тўлдириш учун яна 400 миллион доллар берилган, бунинг устига уларнинг устав капиталини оширишга 1,7 миллиард доллар сарфланган. Умуман олганда, охириги икки йилнинг ўзида банкларимиз давлат ҳисобидан 3,3 миллиард долларга капитализацияланган. Халқ тилига кўчирсак, арзон уйлар, ёш оилаларга уйлар, тadbirkorликни ҳар оилда йўлга қўйиш каби ўнлаб ташаббуслар учун халқнинг пули бўлмаган ва банклардан арзон кредит олиш тавсия этилган. Банклар ўзи қашшоқ экани сабаб бюджетдан уларга қарз берилган ва оз фойзаларга ва узок муддатга фуқаролар ва ташкилотларга кредит беришлари бюририлган. Улкан курилишларга, эркин иқтисодий зоналарда барпо этилган корхоналар, намунали уйлар ва ҳоказоларга оз фойзаларга пул ажратган банклар чўкмаслик, юзада қолиш учун қолган кредитларнинг фойзаларини оширишга, қабул қилинган омонатларнинг фойзини туширишга мажбур бўлади. Кам фойза пул қўйишга эса аҳоли рози эмас. Қарабсизки, ошиб кетган кредит кўлами банкларни ўтиргизиб қўяди.

«Бюджет 2020»га кўра ижтимоий соҳаларга бюджетдан 66 триллион сўм ажратилади. Жумладан, таълим тизимига 30 триллион сўм ажратилади, бу 3,15 миллиард доллар демакдир. Балки, аниқ-тиник, ҳалол сарфланса, бу анча маблағдир.

**Таққослаш учун, биргина
Гарвард университетининг
бюджети 38 миллиард
доллар ёки Стенфорд
университетининг
бюджети 28 миллиард
доллардир, яъни
33 миллионли бир
мамлакатнинг таълим
tizimiga ажратилган
маблағ битта Гарвард
университетига
ажратилган маблағдан
ўн баробар оздир.**

Соғлиқни сақлаш тизимида 14 триллион сўм ажратилган. Кечгача соғлиқни сақлаш соҳасининг юқори лавозимли мутасаддиси: «Одамлар бепул медицина даволаётгани учун соғлиғини кадрга етмапти», – деб интервью берди. Унга кўра даволаниш пулли бўлиши ва қиммат туриши керак. Аввал жамоатчилик «текин медицина»га сарфланаётгани 14 триллионнинг каерга кетаётгани билан қизиқиши лозим.

Карим БАХРИЕВ

КЕРАКСИЗ МАВЗУЛАР

Ўқувчини майиб қилаётган бундай мавзуларни кимлар ўйлаб топади ёхуд кўринмас ва самарасиз миллиардлар нега ҳавога учмоқда?

Бу борадаги фикрларимни республикамиздаги «Она тили» таълими бўйича асослашга ҳаракат қиламан.

Она тили бўйича ҳосил қилинадиган малакани иккига ажратиш мумкин:

1) тил жамятидан ўзлаштириладиган малака (*фонетик ва грамматик малака*);

2) мактабда эгалланадиган малака (*имло, пунктуация, лексика ва б.*).

Фонетика ва грамматиканинг имло билан боғлиқ жиҳатидагина таълимга эҳтиёж сезамиз. Фонетика ва грамматикага доир бундан бошқа билимларни кераксиз билим дейиш мумкин. Шу асосда она тилидан «керакли» (*ишлайдиган*) ва «кераксиз» (*ишламайдиган*) биллими фарқлаш лозим. Она тили дарсликларига йиллар давомида кириб қолган ва «ишламайдиган», таълимига давлат маблағи, ўқувчининг вақти ва ота-онанинг пули беҳуда сарфланаётган бундай мавзуларни қандай ажратамиз?

Айрим далилларни келтираман:

1. Урғу билан боғлиқ мавзулар. Ўзбек тили – агглютинатив тил. Бундай тилларда грамматика жуда ривожланган, шунинг учун сўз маъноларини урғу фарқламайди ва унутқда сезиларсиз бўлади (*кўзлар – «кўп кўз»; кўзлар – «мулжаллар»*). Уни таълим билан ривожлантириш имконсиз. Ўзбек тилидаги сўз урғуси қодалар асосида аниқланади, нафақат ўқувчи, ҳатто ўқитувчининг ўзи ҳам уни топишда қийналишининг сабаби ана шунда. Уни ўқитишга ҳеч қандай хожат йўқ. Бу мавзу I-синфдан II-синфгача тахминан 5 соат ҳажмида ўқитилади.

2. Сўз ясалиши билан боғлиқ мавзулар. Тил эгалари нутқда сўз ясамайди, балки (*тубми, ясамами*) тайёр сўздан фойдаланади. Сўз ясама эканми, бу бўйича билимлар ҳам ишламайди. Демак, бу мавзу таълими ҳам кераксиз. Мавзу I-синфдан II-синфгача тахминан 12 соат ўқитилади.

3. Сўзларнинг бирикши усуллари (*бошқарув, мослашув, битишув*) билан боғлиқ мавзулар. Оғзаки ва ёзма нутқ учун бу билимлар ҳам мутлақо ишламайди. Қолаверса, мутахассис сифатида айта оламаники, бу мавзулар рус тили грамматикасидан айнан кўчирилган, ўзбек тили табиғатида сира ҳам мос эмас. Бу мавзуга ҳам I-синфдан II-синфгача тахминан 5 соат ажратилган.

Яна жуда кўп мисол келтириш мумкин. Аммо фикримизни асослаш учун ушбу далиллар етарли.

Совурилган маблағлар

Мамлакат бўйича бир синф учун мўлжалланган «Она тили» дарслиги

тахминан 500 минг нусхада чоп этилади. Демак, бир дарсликни йилда шунча ўқувчи ўқийди. Агар, бир синфда 30 нафар ўқувчи ўқиса, республика бўйича тахминан 16 минг синф бор. Ҳар бир синфда ўтиладиган I соатлик мавзу учун давлат хазинасидан I соатга маблағ тўланади. 16 минг синфда бир соатлик мавзу 16 минг соат бўлади. Агар бир соатлик дарс учун ўқитувчига тўланадиган иш ҳақи ўртача 30 минг сўм бўлса, 16 минг соатга тақрибан 480 млн. сўм маблағ сарфланади. Бундан келиб чиқадикки, фақат юқорида келтирилган «кераксиз» мавзуларга бағишланган 22 соатга тахминан 10 млрд. 560 млн. сўм кетади.

Шундай қилиб, «Она тили» дарсликларини таҳлил қилиш натижа-



сида кераксиз, тил малакаси учун «ишламайдиган», фақат билим сифатида қоладиган жами 312 соатлик мавзунини аниқладим. Бу мавзулар ўқувчиларга бемисл оғир ва ортиқча юк бўлаётир, ўқитувчиларга эса беҳад катта ташвиш туғдиarmoқда. Улар ОЎЮОга кириш тестларидан бошқа ҳеч нарсага ярамайди (*булар, албатта, mening шахсий фикрларим ва зарур бўлса, бу масалада мутахассислар билан баҳслашишга тайёрман*).

Кўринадики, биргина «Она тили» таълими фойдасиз мавзулари билан давлат хазинасига қанчалик зарар келтиради? Яна назарий мавзуларни «такрорлаш» учун берилган қанчадан-қанча мавзулар, дарсликларда бу мавзуларга ажратилган саҳифалар, ўқувчининг вақт бюджети, соғлиғи, ота-онанинг репутаторга қиладиган харажати ҳам ҳисобга олсак-чи?

Таклиф

1) «Она тили» дарсликларини аёвсиз «филтр»дан ўтказиб, бўш қолган соатларни она тилидан зарур ва ҳаётий компетенция учун «ишлайдиган» билим материаллари билан тўлдириш лозим;

2) бошқа ўқув предметларини ҳам шу йўсинда тафтиш қилиб чиқиш зарур.

Бу миллий бойлигимизни ҳавога совиришдан сақланишга ва мамлакатимиз раванқи учун ҳар бир тийинни оқилона сарфлашга олиб келади.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,

филология фанлари доктори,
профессор
(uza.uz)

НОШУКРЛИК — ИСРОФГА ВА ГУНОҲГА ЕТАКЛАЙДИ



«Еб-ичинглар, аммо исроф қилманглар,
чунки У Зот исроф қилувчиларни севмас»
(Қуръони каримнинг «Аъроф» сураси, 31-оят).

«**Меҳрибон Роббимиз бу дунё ва ундаги барча неъматларни инсон учун, унинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун муҳайё қилиб қўйган. Биз улардан бемалол, эмин-эркин баҳраманд бўлишимиз мумкин. Бирок, бу неъматларнинг шукрини адо қилишимиз лозим. Шукронанинг аввали бу неъматларни беғараз ато этган Зотга ҳамду сано айтишдир. Шукрнинг давоми эса оятда айтилганидек, неъматлардан фойдаланишда ҳаддан ошмаслик, исроф қилмасликдир.**

тишлам егулик топа олмай, очлик азобида жон таслим қилапти.

Афсуски, инсон неъматнинг қадрига у қўлдан бой берилганда, завоқ топгандагина етади. Бу муаммоларнинг барчаси — ўзининг манфаатини бошқаларнинг манфаатидан устун кўриш, фақат ўз манфаатини кўзлаш, бировнинг манфаатини, ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш оқибатидир.

Аслида инсон ўзига раво кўрганини бошқаларга ҳам раво кўриши, умум манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиши лозим эмасми?

Ер юзига Аллоҳнинг ўринбосари бўлишдек олий мақом учун яратилган инсон ўзига топширилган бу масъулиятни тўғри адо эта олмай, бу муаммоларнинг ечимини топа олмай, аросатда қолган. Ваҳоланки, динимизда бу муаммолар аллақачон ҳал қилиб қўйилган. Динимизга тўғри риоя қилсак, масаланинг ечими топилдими? Ҳа, албатта. Бирок, динимизда бундай муаммонинг ечимигина эмас, балки унинг олдини олишининг, бундай вазиятларга умуман тушмасликнинг йўл-йўриқлари ҳам кўрсатиб қўйилган.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда дунёнинг қайси давлатида тараққиёт, ривожланиш, юксалиш кузатилаётган бўлса, бу аввало инсон манфаати, халқ манфаати устуворлигининг самарасидир. Бу борада мусулмон халқлар бошқалардан орқада қолаётган бўлса, бу ўзимизнинг айбимиз, динга амал қилишдаги ноқислигимиз оқибатидир. Ботил ҳаққа эргашса, юксалиши, манфаат олиши мумкин. Ҳақ ана шундай нарсасиз, ҳақдан ҳеч қачон зарар етмайди. Бирок, ҳақ ботилга эргашса, фақат ютказди, ортда қолади, таназзулга юз тутади. Аллоҳ нозил қилган диндан узоклашиб, залолатга кетган Ғарб Исломдан илмини, изланишни, катъиятни ўрганиб, мисли қўрилмаган тараққиётга эришди, фантехника соҳасида инқилоб қилиб, раванк топди. Бирок, ҳақни топган, ҳақни таниган Шарқ диндан узоклашган, эътиқоди ботил томон оғиб кетган Ғарбнинг маънавий жаҳолатига эргашиб нима топди? Ғарбдан ичкиликни, кашандаликни, гиёҳвандликни ўрганиб, аслини, наслини билмайдиган, ўтқир ақлини, қўлидаги иктидорини, оёғи остидаги бойлигини совурадиган, аммо осмондаги ойни орзу қиладиган манкуртта айланб қолаётди, мустамлака, истибод занжирларига кишанланиб, динидан, эркидан, тилдан, тарихидан, маданиятидан маҳрум бўлаётди. Инсоният тарихи ўза-

лигини йўқотиб, йўқликка, ҳалокатга юз туган халқларни, миллатларни кўп қўрган.


Абу Жаъфардан ривоят қилинадики, «Пайғамбар алайҳиссалом сув ичганларидан сўнг ҳамд айтиб, «Ўзининг раҳмати ила бу сувни чучук, шири қилиб қўйган, гуноҳларимиз туфайли шўр, аччиқ қилиб қўймаган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!» деб дуо қилар эдилар». Ҳа, бутун дунёда ичимлик суви танқислашиб бораётган ҳозирги шароитда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг бу неъматга нисбатан қанчалар шоқир банд бўлганлари, унинг шукрини қандай адо қилишни ўргатганлари ҳар биримиз учун гўзал намунадир.

Демак, гуноҳларимиз туфайли чучук сувлар аччиқ, шўр ҳам бўлиши мумкин экан. Сув бўлмай, ёмғир ёғмай қолиши, қургўқчилик бўлиши ҳам мумкин экан. Биз эса сувга шу қадар бепарво бўлаемизки, уни шу қадар исроф билан ишлатаемизки, асти қўяверасиз. Бу ҳол неъматни қадрламаслик оқибатида юзага келади.

Юқоридagi хадисдан маълум бўляптики, неъматнинг заволига қўпинча банданинг гуноҳи ҳам сабаб бўлар экан.

Гуноҳлар туфайли ризқлар қийилар экан. Биз буни яхши билишимиз керак.

Уламоларнинг айтишича, ҳазрати Мусо алайҳиссалом даврларида дахшати қургўқчилик бўлган. Ёмғир ёғмай қолган, қуёш қиздириб, иссиқ ҳаддан ортган. Шунда қавм «Эй Мусо! Роббингиздан ёмғир сўраб беринг!» деб илтимос қилди. Ривоятларга кўра, Мусо алайҳиссаломнинг қавми 70 мингдан зиёд эди. Ҳазрати Мусо алайҳиссалом: «Ё Роббим! Шу ўтлаб юрган чорполар, жонзотлар ҳақки, эмизликни гўдақлар, мунқиллардан қариялар ҳақки, бизга ёмғир ёғдир!» деб дуо қилдилар, ёмғир кўтдилар. Лекин қуёшнинг ҳарорати ҳаддан ортса ортдики, ёмғирдан дарак бўлмади. Шунда ҳазрати Мусо алайҳиссалом яна муножот қилдилар: «Роббим! Нима учун ёмғир ёғмаяпти? Нима учун дуоимиз ижобат бўлмаяпти?» Аллоҳ таоло ҳазрати Мусога шундай деди: «Орангизда қирқ йилдан бери Аллоҳга иёён қилиб турган бир одам бор. Шу одамга айтинг, орангиздан чиксин. Шу одам туфайли ёмғир ёғдирмаяпман, ёмғирни тўхтатиб турибман». Ҳазрати Мусо: «Мен бир заиф одам бўлсам, булар етмиш минг киши бўлса, овозимни қандай кетказаман буларга?» Аллоҳ таоло «Сиз нидо қилинг, етказиш Биздан», деди. Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом нидо қилдилар: «Эй қавм! Орангизда қирқ йилдан буён Аллоҳга осий бўлиб келаётган бир одам бор экан. Шу одам чикмагунча ёмғир ёғмайди. Орамиздан чиксин!». Ҳамма бир-бирига қарайди, аммо ҳеч ким қимир етмайди.



Бунақа пайтда ким ҳам чикар эди? Ким ҳам бу шармандаликни бўйнига олишга тайёр турарди? Қирқ йилдан бери гуноҳ қилиб келаётган одам у ёқ-бу ёқка қараса, ҳеч ким чикмаяпти. Демак, унинг ўзи экани унга маълум бўлди. Бу одам «Чиксам, шарманда бўламан. Чикмасам ёмғир ёғмайди» деган икки ўт орасида ёнар эди. Шунда Аллоҳга «Ё Роббим! Қирқ йилдан бери Сенга осийлик қиламан, не-не гуноҳлар қилдим, аммо мени шарманда қилмадинг. Бугун ҳам мени шарманда қилма! Мен энди тавба қилдим!» деб астойдил тавба қилди.

Шу вақт шаррос ёмғир қуйиб юборди. Осмондан мешнинг оғзини очиб қўйгандек челақаб жала ёғди. Ҳазрати Мусо алайҳиссалом Аллоҳга мурожаат қилди «Роббим! Дуо қилдик, «Орангиздаги гуноҳкор одам чиксин» дединг, лекин ҳеч ким чикмади. Аммо ёмғир ёғмоқда!» Аллоҳ таоло «Бу ёмғир ўша одам астойдил тавба қилгани учун ёғмоқда. Биз унинг тавбасини қабул қилдик», деди. Ҳазрати Мусо алайҳиссалом «Роббим! Менга ўша одамни кўрсатгин», дедилар. Шунда Аллоҳ таоло: «У қирқ йил гуноҳ қилиб келди, аммо Мен уни шарманда қилмадим. Энди тавба қилганида шарманда қиламанми?» деди. Шу тариқа ўша банданинг қимлиги яширилди, унинг номи ошкор бўлмади.

Биз бу зарбулмасал ҳақида бир ўйлаб кўрайлик: бутун бир жамятда битта одам гуноҳ қилгани учун ёмғир ёғмаган экан. Бутун бошли бир уммат гуноҳ қилса нима бўлади? Бутун бошли уммат гуноҳни одатий ҳол деб қараса нима бўлади? Бутун бошли жамят гуноҳдан ҳазар қилмай, ҳеч тап тортмасдан, уялмасдан гуноҳ қилишга одатланса нима бўлади?

Ўз вақтида ёмғирлар ёғиб турадиган юрда яшаймиз. Аммо бир жойда гуноҳ кўпайса, фақат ёмғир ёғмай қолади, деган гап йўқ. Гуноҳ кўпайган жойдан барака кўтарилади. Барака кетди деса оннинг қиммат бўлишини тушунмайлик. Барака кетди деса бензин қиммат бўлиб кетишини тушунмайлик. Барака кетса, умуман мусулмончилик кўтарилади, одамгарчилик кўтарилиб, унинг ўрнини ҳайвонлик эгаллай бошлайди. Ҳар қандай ваҳший ҳайвонни ёшлигидан қўлга ўргатиш мумкин, аммо у бир кун оч қолса, эгасига ташланади. Ҳайвон оч қолганида хиёнат қилади, одам эса қорни тўйганида. Шунинг учун ношукр бўлиб қоладиган эҳтиёт бўлайлик.

Раҳматуллоҳ САЙФУДИНОВ,
Юнусобод тумани бош имом-хатиби,
Тошкент Ислам институти
ўқитувчиси

ХУСУСИЙ ТУҒРУҚХОНАЛАРГА РУХСАТ ЭТИЛДИ

**Хавфсизми, ишончлими?
Нархи қандай?**



Ўзбекистон Президентининг «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан хусусий тиббиёт муассасалари учун туғруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланишга рухсат берилди. Бунда, туғруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланишга фақат Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Хавфсиз оналик» стратегияси талабларига риоя этилишини таъминлай оладиган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган хусусий тиббиёт муассасаларига рухсат этилади.

Мазкур ҳужжат юзасидан Адлия вазирлигининг «Конунчиликдаги янгиликлар» брифинги ўтказилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаларни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бош мутахассиси Нанм Ҳамроев жавоб берди.

Хусусий туғруқхоналарга ишга қабул қилинадиган акушер-врачларга малака талаби қўйиладими ёки диплом бўлса бўлди?

– Қарорнинг 13-бандида туғруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланиш учун юқори малакали тиббиёт ходимлари мавжуд бўлиши кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунда конунчиликка мувофиқ тиббиёт ходимининг малакаси унга берилган малака тоифаси билан баҳоланади. Шунга мувофиқ, акушерлик бўйича маълум даражадаги малака тоифасига эга бўлган шифокорларгина хусусий тиббиёт ташкилотларида туғруқни қабул қилишлари мумкин бўлади.

Ушбу хусусий тиббиёт муассасаларига қабул қилишда яшаб худудига, пропискасига қараладими ёки республика бўйича қабул қилаверадими? «Ҳомиладорлик картаси»ни ўзлари берадими (олдиндан бориш керак бўладими)?

– Ҳомиладорликни рўйхатга олиш ва уларни мунтазам кузатиб бориш билан боғлиқ талаблар бир хил бўлиб, хусусий тиббиёт ташкилотларининг ушбу жараёндаги ўрни ва вазифаси берилган топшириқка

мувофиқ уч ой ичида ишлаб чиқиладиган (Яъни «обменная карта»ни ўзи яшаб турган жойдаги поликлиникадан олади, истаган хусусий туғруқхонага ўша карта билан бориш мумкин бўлади).

Оғир аҳволда туғилган (масал учун ҳаёти хавф остида бўлган) чақалоқларга тезкор ёрдам кўрсатиш масаласи қандай ҳал этилади?

– Қарорнинг 13-бандида туғруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланиш учун туғруқ бўлими, жонлантириш, чақалоқларни жонлантириш, муддатига етмай туғилган чақалоқларни парвартиш қилиш, эндовизуал гинекология бўлимлари, поликлиника, бактериолог ва клиник-биокимё лабораториялари ҳамда юқори малакали тиббиёт ходимлари мавжуд бўлиши талаб сифатида киритилмоқда.

Шундай экан, ушбу бўлимларга ва малакали шифокорга эга бўлган тиббиёт ташкилоти оғир аҳволда туғилган чақалоқларга тезкор ёрдам кўрсатиш имкониятига албатта эга бўлади.

Ушбу хусусий тиббиёт муассасаларида нарх-наво қайси мезонларга қараб белгиланади?

– «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига асосан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чикиндиларини бозор қонъюнктурасидан келиб чиқиб, мустакил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Хусусий тиббиёт муассасалари ҳам ўзларида амалга оширилган хизматларга нархларни белгилашда ушбу қонун мезъерларига таянади.

ОГОҲЛИК

ТИЛСИЗ ЁВ БИЛАН ЁВЛАШМАНГ

Кунлар совуши билан ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар кўпаяверади. Оддийгина эҳтиётсизлик туфайли юз бераётган ёнғинлар, ис газининг чиқishi одамлар ҳаётига хавф солмоқда. Тилсиз ёв бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, огоҳлик ва хушёрликни ошириш орқали бунга йўл қўймаслик мумкин.

Айрим кишилар ўз уйларида эътиборсизлиги, аниқроғи табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида ёнғин билан боғлиқ кўнгилсизликлар келиб чиқади. Бундан 2-3 йил аввал содир бўлган бир воқеа ҳали ҳам кўпчиликни ларзага солади.



Хонадон соҳибини ишга қузатган рафикаси ёнаётган газ плитасидан бирор кўнгилсизлик келиб чиқишини ўйламай, рўзгор юмушлари билан шуғулланаверган. Орадан вақт ўтиб, нон олиб келиш учун болаларини уйда қолдириб, эшикни қулфлаб дўконга чиқиб кетган. Қаровсиз қолган болалар ошхонага ўтишиб, олов билан ўйнашгани боис уйнинг ичини тутун қоплай бошлаган. Бундан ваҳимага тушган тўрт яшар Саидхўжа икки яшар синглиси Нодира ва чақалоқ синглиси Зилолани кўтариб, у ёқдан бу ёққа югура бошлаган. Орадан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас ўт ўчирувчилар етиб келишган. Юқори қаватга кўтарилган ўт ўчирувчилар бирин-кетин олов ичидан болаларни олиб чиқишиб, қўлма-қўл пастга қараб узатишган. Афсуски, етиб келган тез тиббий ёрдам ходимларининг саъй-ҳаракатлари зое кетган, болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишининг иложи бўлмаган...

Ҳа, кўпинча оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига эътиборсиз қараймизу, мана шундай вақтда унга амал қилинса ўша ҳалокатнинг олдини олиш, гўдақлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлганини англамаймиз. Тилсиз ёв бўлган олов фасл танламайди, вақт ва жой ҳам танламайди. Қутилмаганда озгина эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида рўй беради.

Шунинг учун газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йиллига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво бўлиш ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади. Учқун теқанда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Лак, бўёқлар, мебеллар, синтетик кийимлар шулар сирасига қиради. Ҳозир кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, каучук ва пластмасадан ясалган турли буюмлар тез ёнишдан ташқари ёнганда қўплаб захарли моддаларни ҳам чиқаради.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Бу орқали моддий зарарнинг, одамларнинг ҳаётига, соғлиғига хавфнинг олди олинади.

Зота н, ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз, давлат ва шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Муроджон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Юнусобод тумани ЁХБ инспектори,
катта сержант

Ислоҳот

ФҲДЁ ҚОЙДАЛАРИДА ЎЗГАРИШЛАР

ФҲДЁ органлари томонидан бериладиган ҳужжатларни олиш жараёнлари анча соддалаштирилди.

Давлат хизматлари агентлигининг маълумотига кўра, янги тартиб бўйича, туғилишни қайд этиш муддати ўтказиб юборилганда 16 ёшгача бўлган боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасини олиш учун ариза қуйидагилар томонидан тақдим этилади:

- боланинг ота-онаси;
- ота-онанинг қонуний никоҳи мавжуд бўлган ҳолларда улардан бири;
- ишончнома асосида бошқа манфаатдор шахс;
- ота-онанинг ўрнини босувчи шахс ёхуд вазийлик ва ҳомийлик органларининг мансабдор шахслари.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар консул ёки нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома ва ариза асосида амалга оширилиши мумкин.

ЭЪЛОНЛАР!

Тошкент педагогика коллежи томонидан 2018 йилда Мусаева Гулчехра Акмалджановнага берилган К № 5360704 рақамли рўйхат рақами 130 бўлган диплом йўқотганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Жиззах вилояти, Фориш тумани Давлат хизматлари маркази тамонидан 2018 йил 18 ноябрдаги 641373-сонли тартиб рақам билан рўйхатга олинган «INNOVATION BIZNES» ХК (СТИП: 305791255) **ТУГАТИЛАДИ.**

Асос: Ўзини-ўзи тутатиш тўғрисидаги 2019 йил 18 октябрдаги 1-сонли қарор. Даволат 2 ой муддатда (97) 736-20-07 телефон рақами орқали қабул қилинади.

QILA DAVRASIDA
Masthead oila — yurt bayrohi
Itimoiy-iyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Qila davrasida» gazetasi taхtariyati masъuliyati cheklanган jamiyati

**Бош мухаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ**

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алохабаюн»;
«Qila» илмий-амалий талқинот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва сахифаланди.

Газетада интернет материаллардан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» навирийет-маъба ва ақдворлик компанияси босмақолисида чоп этилади.
Босмақоли матини: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрол кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммаджон Қуроноф

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-1137
ISSN 2181-6190 Обуна индекс — 193
Адаби: 2 858 нуسخа.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 19:00

ISSN 2181-6190
9 772181 619005
123456

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ – ҲАММАСИДАН МУҲИМ

«Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат банкида сармоясининг сарҳади кенг тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Аҳамиятлиси, улар мамлакатимиз равақига катта ҳисса қўшиш ниятида астойдил ҳаракат қилмоқда.



Мамлакатимиз банк-молия тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад аввало, ҳалол, пешона тери билан меҳнат қилиб, бола-чақасини боқаётган, уларнинг орзу-умидларини кўришни дилига туккан одамларга имкони борича яхши ва қулай шарт-шароит яратиш беришдан иборатдир. Банклар барқарорлиги ва уларга бўлган ишонч ошиб боргани сари иктисодий мувозанатини издан чиқараётган кўплаб муаммолар ўз-ўзидан барҳам топиши аниқ. Шунинг учун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча тижорат банклари яратилган имконият ва шароитлардан унумли ва ўз ўрнида фойдаланмоқда. Миқдорлари сонини йилдан-йилга кўпайтириб, фаолияти барқарорлигини таъминлаш, тадбиркору, миқдорларнинг ишончли ҳамкорига айланишга бел боғланган. Буни «Ипотека-банк» АТИБ ва унинг худудлардаги барча филиаллари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қулай халқаро пул ўтказмаси

Тараққиёт тезлашиб, мамлакатлараро интеграция алоқалари ривожланиб боргани сайин миқозлар орасида халқаро пул ўтказмалари, пластик карталар ва улар орқали тез фурсат ичида амалга оширилаётган хизматлар турларига бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бораётгани кузатиш мумкин. «Ипотека-банк» АТИБ томонидан яқинда ташкил этилган «Халқаро пул ўтказмалари, пластик карталар ва улар орқали амалга оширилаётган ишлар» мавзусидаги матбуот анжуманида молия муассасаси томонидан аҳолига яратиб берилаётган қулайликлар, янги масофавий банк хизматлари ҳақида атрафлича маълумот берилди. Масофавий банк хизматлари билан яқиндан таништирилди.

Хабарингиз бор, кўпшаб юртдошларимиз Россия ва бошқа қатор давлатларда яшаб, меҳнат қилишади. Ана шу ҳолатни инобатга олган молия муассасаси тизимда «Contact» халқаро пул ўтказмалари тизимини йўлга қўйди. Хўш, мазкур тизимни банкда жорий этишга қандай омиллар сабаб бўлди деган ҳақли ва ўринли савол пайдо бўлади. Энг аввало, хориждаги юртдошларимиз ўз пешона тери билан ишлаб топган маблағларини Ўзбекистондаги оила аъзолари ва яқинларига жўнатишга ҳеч қандай қийинчилик билан бўйбун келмаслиги учун ҳам шу ишга қўл урилади. Аҳамиятлиси, «Contact» тизими амалиётга жорий этилгандан сўнг, орадан маълум бир вақт ўтар-ўтмай мазкур тизим билан

ҳамоҳанг тарзда миқозлар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида акция эълон қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур акциянинг миқозлар учун қулай томонларидан бири юртимиздан Туркияга «Contact» тизими орқали пул ўтказмалари учун комиссия миқдори ўтказма миқдорининг 0,95 фоизни ташкил қилишида бўлди. Бунга қадар комиссия миқдори 1,2 фоизни

ташкил қилган эди. Шуни эътиборга моликки, қисқа муддат ичида мазкур акция миқозлар ўртасида кенг оммалашиб, ушбу йўналишдаги пул ўтказмаларидан фойдаланган миқозлар сони ортиши кузатилди. Натижада ўтказма учун комиссия миқдори 0,75 фоиз миқдорга камайтирилди. Юқорида номлари келтириб ўтилган акциялар «Золото корона» тизимини ҳам асло бефарқ қолдирмади, демак тўғри бўлади. Алал-оқибат, банк билан ҳамкорликда мазкур тизим орқали Туркия давлатига юборилган ўтказма учун комиссия миқдорини 0,70 фоизгача камайтиришга муваффақ бўлинди.

– Биласиз, халқаро пул ўтказмалари амалиётга жорий этилгани миқозлар учун катта қулайлик бўлди. Илгари бу масалада талайгина оворагарчилик ва сарсонгарчиликлар кузатишгани ҳам бор гап. Шунинг учун, замон шитоб билан илдамлагани каби, халқаро пул ўтказмалари соҳасида ҳам қатор, ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Халқаро пул ўтказмалари орқали аҳолига тақлиф этилаётган қулай хизматлар қўламини ҳам, сони ҳам борган сари кенгаймоқда. – дейди «Ипотека-банк» АТИБ чакана амалиётлар бошқармаси бош мухасисси Жаҳонгир Умаров. – Халқаро пул ўтказмалари бўйича миқозларга яратиб берилган катта қулайликлардан бири – бу шубҳасиз жорий йилнинг сентябрдан бошлаб «Ипотека-банк»дан «Золото корона» тизими орқали Россия Федерациясига пул ўтказмалари учун комиссия миқдори 1,5 фоиздан 1 фоиз миқдорга камайтирилиши бўлди, дейиш мумкин. «Ипотека-банк»да «Золото корона» тизими орқали юборилган умумий ўтказмаларнинг 70 фоизи айнан Россияга юборилган ўтказмалар ҳисобига тўғри келади. Шу боисдан ҳам аксарият миқозларимизни бу соҳадаги банк хизматлари мамнун этмоқда. Яна бир гап. «Ипотек-банк» АТИБ бошқаруви қарорига кўра банкда «Азия Экспресс» халқаро пул ўтказмалари тизимини жорий қилиш юзасидан «Азия-Инвест Банк» акциядорлик тижорат банки билан шартнома имзоланган. Бугунги кунда мазкур тизим фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида режалаштирилган мамнун этмоқда.

Сирасини айтганда, халқаро пул ўтказмалари орқали тақлиф этилаётган қатор хизматлар банкнинг худудлардаги мавжуд филиаллари ҳамда шохобчалари миқозга бўлган кўпшаб аҳолини мамнун этмоқда. Шунинг учун ҳам келажакда тизимга қатор янгиликларни тадбиқ этиш кўзда тутилган.

Нақд пулсиз ҳамён

Сезган бўлсангиз керак, ҳозир гап ҳаётимизга тез ва шитоб билан жорий этилган пластик карталар ҳақида кетяпти. Мазкур тизим ўзининг қулайликлари билан миқозлар эътиборини тортиди. Мазкур молия муассасаси поёнига етаётган йилнинг ўн ойи давомида нақд пулсиз ишбилдирилган кенгайтириш мақсадида жами

369 мингдан ортиқ янги пластик карталарни муомалага чиқарди. 2019 йил 1

ноябрь ҳолатига кўра жами муомалага чиқарилган пластик карталар сони 1 миллион 825 мингтага етказилди. Агар таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 399 мингтага ёки 28 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин бўлади. Терминал ускуналари ўрнатиш ва жойлаштириш ишлари ҳам жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Яна рақамларга мурожаат этамиз. Йил бошидан ҳозирга қадар 16 минг 341 та терминал ускуналари ўрнатилди. 2019 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра уларнинг сони 43 минг 923 донага етказилди. Ўз-ўзидан аёниқ, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16 минг 918 тага ёки 62,6 фоизга ошган. Аҳамиятлиси, мазкур терминалларнинг 36 минг 737 таси савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳамда 7 минг 186 таси эса жамғарма касса ва жойларда ташкил этилган мини банкларга коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш мақсадида ўрнатилди.

Илгари банкматлар теварагида одам гавжум бўларди. Ҳозир ундай эмас. Пластикдаги маблағингизни эмин-эркин, навбатсиз нақдлаштириш олишингиз мумкин. Бу жараёнда миқозларга янада қулайлик яратиш мақсадида ўтган ўн ой давомида яна қўшимча 297 та банкмат ускунаси харид қилиниб, шундан 136 та банкмат ижтимоий аҳамиятга эга иншоотлар ва аҳоли гавжум жойларга жойлаштирилди. Қолган 161 та банкмат ҳам мухтаassisлар томонидан дастурлаштирилиб, банк филиалларига ажратилади. Шундай қилиб, жорий йилнинг 1 ноябрга қадар банкматлар сони 215 та, инфокиосклар сонини 104 тага етказишга муваффақ бўлинди. Гап шундаки, 136 та «Нумо» ҳамда 79 та «Uzcard» банкматларини жорий йил сўнггига қадар банк томонидан қўшимча яна 20 та «Uzcard»



банкматини харид қилиб, худудларга жойлаштириш режалаштирилган. Бу билан аҳолига яна қатор қулайликлар яратилади. Жорий йилнинг ўн ойи давомида мазкур банкматлар орқали 968 миллиард 942 миллион сўм маблағ нақдлаштирилганининг ўзидек бу борадаги ишларнинг қўламини кенглигидан далолат беради.

Сармоялар бераётган самаралар

Бугунги кунда юртимиз заминидега етиштирилган турфа хил неъматлар, хуштарм мевалар, сабзавотларга кўпшаб мамлакатлар бозорига талаб юқори. Бу эса ҳосилдор заминимизда етиштирилаётган ноз-неъматлар турини кўпайтириш ва сифатини ошириш масаласи долзарб эканидан далолатдор. Ўз-ўзидан аёниқ, бундай кезде, қўшимча имкониятлардан фойдаланиш, тадбиркорлик, паррандачилик ва бошқа соҳаларни зудлик билан ривожлантиришга



астойдил бел боғланларни ҳар жиҳатдан, яъни сармоя билан қўллаб-қувватлаш жуда муҳим масала саналади. Молия муассасаси ана шундай эзгу ниятни дилига туккан минглаб тадбиркорларга, ноз-неъмат этиштирувчиларга мустаҳкам суянч бўлмоқда.

Биласиз, бирор-бир жўяли ишни бошини ривожланиб кетган, қўшимча иш ўринлари яратиш, халқимиз дастурхонини сархил ноз-неъматлар билан таъминлашни ният қилган минглаб тадбиркору ишбилармонларга етарли миқдорда кредит маблағлари ажратиш берилмоқда. Бу эзгу ишлар муттасил равишда давом эттирилади. Қолаверса, банк томонидан пишк-пухта, мақсадли йўсинда амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилганимизда юқорида баёни этган маълумотларимиз нақадар тўғри ва ишончли эканига яна бир қарра амин бўлдик.

Трансформация – бу зарурат

Трансформация аслида нимани англатади? «Ипотека-банк» лойиҳаларни амалга ошириш бошқармаси бошлиги ўринбосари Темур Муҳиддиновдан шу ҳақида сўрадик.

– Агар дунёга разм соладиган бўлсангиз, жуда кўпшаб банклар ўзларининг стратегиясини ижобий томонга ўзгариштириш, ўз махсулоти ва хизматларини зудлик билан трансформация қилиш устидега муттасил равишда бош қотираётганига шохид бўлаемиз, – дейди Темур Муҳиддинов. – Солда ва йўлда қилиб тушунтирадиган бўлсам, трансформация – бу вақт талабидега зарурийат саналади. Шунинг учун эртага миқозлар сонини оширишни, қаддини кўтаришни истаган ташкилот борки, янгидан-яни, ижобий ўзгаришларни дарҳол тадбиқ этишдан оранмаслиги даркор. Бугунги кунда мавжуд молия муассасалари турли ечим ва имкониятларни чамалаб кўриб, йирик молия ташкилотлари гуруҳлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳаракатларини бошлаб юборган. Гапнинг бўларини айтганда, ҳар бир жамоа муқаррар кечадиган янгилашни ва ўзгаришлардан сирам чўчимаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир миқознинг ишончини йўқотмаслик, юксак дил, жаҳон андозаларига мос ва хос, сифатли ва кафолатли хизмат кўрсатиш, унинг турларини соддалаштириш ва миқозбоп қилиб бориш мамлакатимиздаги нуфузи банд хизматдоран «Ипотека-банк» АТИБнинг асосий ва муҳим иш йўсинига айланиб улгурган.

Улугбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухбири